

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМИЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХКАМОВА ДИЛАФРУЗ ЮЛДАШЕВНА

**ЖИЗЗАХ ЧЎЛИ ГИПСЛИ ТУПРОҚЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ**

03.00.13-Тупроқшунослик

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2018

УЎТ: 631.4;630.114.442.5/445(575.1)

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по биологических наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on biological sciences**

Махкамова Дилафруз Юлдашевна

Жиззах чўли гипсли тупроқлари ва уларнинг биологик фаоллиги..... 3

Махкамова Дилафруз Юлдашевна

Гипсоносные почвы Джизакской степи и их биологическая активность21

Maxkamova Dilafruz Yuldashevna

Gypsum-braving soils of Djizakh steppe and their biological activity.....37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....40

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМИЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХКАМОВА ДИЛАФРУЗ ЮЛДАШЕВНА

**ЖИЗЗАХ ЧЎЛИ ГИПСЛИ ТУПРОҚЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ**

03.00.13-Тупроқшунослик

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/B49 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгашининг веб-саҳифасида (<http://www.soil.uz>) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гафурова Лазизахон Акрамовна
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Исоқов Валижон Юнусович
биология фанлари доктори, профессор

Ахмедов Алмон Усманович
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси . 3 уй . Тел.:(+99871) 246-09-50; .факс:. (99871) 246-76-00;. e-mail: info@soil.uz)

Докторлик диссертацияси билан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси 3 уй. Тел.:(+99871) 246-15-38

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ №__ - рақамли баённомаси)

Р.Қ.Қўзиев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
б.ф.д., профессор.

Н.Ю.Абурахмонов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, б.ф.н., катта илмий ходим.

М.М.Тошқўзиев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда гипсли тупроқлар 66 560 км² майдонни, шундан Африкада 5 774 км² (54,6 %), Маказий Осиёда 16 616 км² (25,3%), Европада 230 км² (0,4%), Америкада 78 км² (0,1%) ни ташкил этади¹. Гипсли тупроқлардан оқилона фойдаланиш ва тупроқ қопламини ҳимоя қилиш эса ўз навбатида илмий асосланган ҳолда иш юритишни тақозо этади. Ушбу ер майдонларнинг катта қисми мелиорация нуқтаи назаридан ишлов бериш қийин бўлган, яъни таркибида гипс мавжуд бўлган тупроқлар тоифасига киритилади. Тупроқларнинг гипсланиши ерларнинг қишлоқ хўжалик экинлари учун яроқсиз ҳолга келиш муаммоларини келтириб чиқармоқда.

Бугунги кунда дунёда гипсли тупроқларнинг генезиси (келиб чиқиши), хосса-хусусиятларини аниқлаш ва гипсли тупроқларнинг миқдорини ўрганиш бўйича устувор йўналишларда тадқиқот олиб борилмоқда: суғориш жараёнида тупроқ қопламида юзага келадиган ўзгаришларни аниқлаш; гипсли тупроқларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаган ҳолда тупроқларга бўладиган салбий таъсирини бартараф этиш; тупроқлардаги гипс миқдори, гипсли қатламнинг жойлашиш чуқурлиги ва қалинлигини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалик экинларини ўсиш ва ривожланишига таъсирини камайтириш технологияларни ишлаб чиқиш².

Бугунги кунда республикамиз қишлоқ хўжалигида, жумладан унумдорлиги паст, мелиоратив ҳолати оғир тупроқларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Хусусан, сўнги йилларда 240 минг гектар ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланган. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар Стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқишни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш» муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган. Бу борада, тупроқлардан оқилона фойдаланиш, унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалик экинларидан экологик соф мўл ҳосил олишда тупроқларнинг биологик хоссаларини илмий асосланган ҳолда иш юритиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги ПФ-5065-сон “Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасидаги назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чоратадбирлари” тўғрисидаги ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4974-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

¹ www.fao.org

² <https://books.google.co.uz>

Стратегияси” тўғрисидаги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда, ушбу диссертация илмий натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Унумдорлик даражаси паст, қийин мелиорацияланадиган гипсли тупроқларни ўрганиш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари бажарилган. Бундай тадқиқотлар хорижлик олимлардан Carenas va Marfil Gomez-Miguel, Gumuzzio va Alvarez, Martinez Beltran, Peres-Arias, Altaie, Porta, Pouget, Trichet, M.Vieillefon, T. Onichchenko, N.Minashina, E.Pankova, I.Yamnova, M.Verba томонидан, ўзбекистонлик олимлардан Р.Қўзиев, О.Комилов, А.Расулов, Л.Гафурова, В.Исоқов, А.Рамазанов, А.Ахмедов, В.Насонов, Х.Намозов ва бошқалар томонидан олиб борилган. Лекин, гипсли тупроқларда микроорганизмларнинг физиологик гуруҳлари миқдори ва тарқалиши, ферментлар фаоллиги, «нафас олиш» хусусиятлари - гипс миқдори, шўрланиш даражаси, йил фасллари бўйича ўзгариш динамикаси ҳамда тупроқларнинг деградацияга учраганлиги бўйича индикаторлари, биологик фаоллик (БФ) кўрсаткичлари, умумий нисбий биологик фаоллиги (НБФ) ва ҳудудда тарқалган гипсли тупроқлар хоссалари ўртасидаги ўзаро корреляцион боғлиқликларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИОТ-2013-5-33 «Деградацияга учраган тупроқлар унумдорлигини оширишда ресурстежамкор экологик соф технологияларни қишлоқ хўжалигида жорий қилиш» (2013 - 2014 йй.) инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади гипсли тупроқларнинг асосий хосса-хусусиятлари ва биологик фаоллигининг мавсумий динамикасини комплекс равишда аниқлаш, деградацияга учраганлиги бўйича индикатор мезонларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гипсли тупроқлар тарқалган ҳудуднинг иқлими, ўсимлик дунёси, геологик-геоморфологик тузилиши, гидрогеологик шароити, тупроқ ҳосил қилувчи жинслари ва рельефини ўрганиш;

ўрганилган ҳудудда тарқалган тупроқларнинг хосса-хусусиятларига (морфогенетик хусусиятлари, агрокимёвий, кимёвий ва умумий физик хоссалари) шўрланиш даражаси ва гипс миқдори таъсирини ўрганиш;

Ўрганилган ҳудудда гипсли тупроқлардаги микроорганизмлар микдорининг, ферментлар фаоллиги ва нафас олиш хусусиятларини ҳамда мавсумий (бахор, ёз, куз) динамикаси гипс миқдори ва шўрланиш даражасига боғлиқ ҳолда аниқлаш;

гипсли тупроқларнинг биологик фаоллик (БФ) кўрсаткичлари, умумий нисбий биологик фаоллиги (НБФ)ни ўрганиш;

Ўрганилган ҳудуд гипсли тупроқлар хоссалари ва биологик фаоллик ўртасидаги ўзаро корреляцион боғлиқликларни аниқлаш;

гипсли тупроқларнинг деградацияга учраганлиги бўйича индикатор мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида тарқалган турли даражада гипсли бўз, ўтлоқи–бўз, бўз–ўтлоқи, ўтлоқи, ўтлоқи–ботқоқ тупроқлар ва шўрҳоқлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети ўрганилган тупроқ типлари ва кенжа типларнинг морфологик кўрсаткичлари, кимёвий, умумий физик ва биологик хоссалари, гипсли тупроқларнинг деградацияга учраганлиги бўйича индикаторлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқотлар тупроқ намуналарини генетик қатламлари бўйича олиш, кузатувлар, кимёвий ва биологик таҳлиллар ЎзПИТИнинг “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах”, Е.В.Аринишининг “Руководство по химическому анализу почв” ҳамда Тупроқшунослик ва агрокимё ИТИ ва ЎзФА Микробиология институтларида қабул қилинган тупроқ ва микробиологик таҳлил услублари бўйича амалга оширилди. Тупроқларнинг гипс миқдори Е.И.Панкова томонидан ишлаб чиқилган классификациясига мувофиқ бажарилди. Тупроқ ферментлари фаоллиги Ф.Ҳазиевнинг “Почвенная энзимология” усули, тупроқ ферментларининг таъминланганлик даражаси Д.Звягинцев классификациясига мувофиқ бажарилди. Тадқиқотлар натижаларининг математик статистик таҳлили Б.А.Доспехов усулида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ҳудуд гипсли тупроқларида микроорганизмларнинг физиологик гуруҳлари (бактериялар, замбуруғлар, актиномицетлар, азотфиксаторлар, нитрификаторлар, денитрификаторлар, аэроб целлюлозапарчаловчилар, мой кислота ҳосил қилувчи бактериялар) миқдори ва тарқалиши аниқланган;

ферментлар фаоллиги (каталаза, пероксидаза, полифенолоксидаза), тупроқнинг «нафас олиш» хусусияти ва уларга гипс миқдори, шўрланиш даражаси таъсири ҳамда йил фасллари бўйича ўзгаришлар динамикаси аниқланган;

гипсли тупроқларнинг биологик фаоллик (БФ) кўрсаткичлари, умумий нисбий биологик фаоллиги (НБФ) аниқланган, деградацияга учраганлиги бўйича индикаторлари ишлаб чиқилган;

гипсли тупроқлар хоссалари ва микробиологик, ферментатив фаоллиги ўртасидаги ўзаро корреляцион боғлиқликлар исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Жиззах чўли гипсли тупроқларининг гипс миқдори ва шўрланиш даражаси бўйича микроорганизмларнинг физиологик гуруҳлари, ферментатив фаоллиги ва нафас олишининг фаоллиги бўйича ўзгаришлар динамикаси, биологик фаоллик (БФ) кўрсаткичлари, умумий нисбий биологик фаоллиги (НБФ) ва гипсли тупроқларнинг деградацияга учраганлиги бўйича индикаторлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларида фойдаланган ҳолда статистик таҳлил услублари қўлланилганлиги ва қилинган хулосаларда топилган қонуниятларнинг илмий асосланганлиги, шунингдек олинган маълумотлар ЎЗР ОАК томонидан эътироф этилган, нуфузли хорижий ва республика илмий журналларида чоп этилганлиги, олинган ишончли ва самарали натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Жиззах чўли гипсли тупроқларининг биологик фаоллигини келгусида қиёсий таққослаш, бундан ташқари, гипсли тупроқлар деградацияси индикатор кўрсаткичларини ўрганиш, гипсли тупроқлардан тўғри фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқиш имконини яратади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қишлоқ хўжалик экинларини тупроқларнинг гипс миқдори ва шўрланиш даражаси, гипсли қатламлар қалинлигига қараб жойлаштириш, экинлар ҳосилдорлигини белгилаш ва ерларни ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ажратишда илмий асос бўлиб хизмат қилади. Гипсли тупроқларнинг кимёси, физикаси ва биологиясини ўрганиш бўйича олинган материаллар тупроқшунос–агрохимёгар мутахассисларни тайёрлашда, шунингдек Олий ўқув юртларида ўқув жараёнида тупроқшунослик, мелиоратив тупроқшунослик, тупроқларни муҳофаза қилиш, тупроқлар экологияси ва биологияси каби ўқув курсларидан маърузалар ўқиш жараёни давомида фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жиззах чўли гипсли тупроқлари ва уларнинг биологик фаоллиги юзасидан олиб борилган тадқиқотлар асосида:

гипсли деградацияга учраган тупроқлар учун индикатор мезонлари Жиззах вилояти ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасида амалиётга жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 8 майдаги № 04/ 1-2468- сонли маълумотномаси). Ушбу индикатор мезонлари тупроқларнинг хосса-хусусиятларини инобатга олган ҳолда, қишлоқ хўжалик экинларини

жойлаштириш, тупроқлардан оқилона фойдаланиш бўйича чоратadbирларни ишлаб чиқишга илмий асос бўлиб хизмат қилган;

Жиззах вилоятининг қийин мелиорациялашган гипсли тупроқлар учун гипс миқдори бўйича градациялари “Тупроқ бонитировкаси” шўъба корхонаси фаолиятида амалиётга жорий этилган (Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 8 майдаги № 04/ 1-2468- сонли маълумотномаси). Натижасида гипс миқдори, гипсли қатламлар қалинлигига кўра кишлок хўжалик экинларини жойлаштириш, экинлар ҳосилдорлигини белгилаш ва ерларни ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ажратишга илмий асос бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та, жумладан 5 та халқаро ва 7 та республика илмий - амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш эълон қилинган. ЎзР ОАКнинг фалсафа доктори (PhD) диссертацияси асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан 1 та хорижий журналда, 4 та республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ҳамда аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жиззах чўли гипсли тупроқлари ва уларнинг биологик фаоллиги**» деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон ва чет эл олимларининг дунёнинг турли минтақаларга хос ишлари таҳлил қилинган. Шунингдек, тадқиқот мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, гипсли тупроқларининг хосса - хусусиятлари, биологик фаолликнинг мавсумий динамикаси юзасидан ўтказилган тадқиқотлар адабиётлар шарҳи келтирилган. Қайд қилинган адабиётлар маълумотларининг якуний хулосаси гипсли тупроқларнинг биодиагностик кўрсаткичлари, тупроқларнинг деградацияга учраганлиги бўйича индикаторлари, биологик фаоллик (БФ) кўрсаткичлари, умумий нисбий биологик фаоллиги (НБФ)га оид илмий изланишлар олиб борилиши зарурлиги баён этилган.

Диссертациянинг «Тупроқлар эволюцияси ва мелиоратив – экологик ҳолатини белгиловчи табиий ва антропоген омиллар» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ишларини бажариш давомида тупроқ ҳолатини ва тавсифларини ҳисобга олган ҳолда тупроқ кесмалари қўйилган. Белгиланган вазифалар гипсли тупроқлар қопламини солиштирма-географик, солиштирма-аналитик ва экспедицион тадқиқ қилиш услубларидан фойдаланиш асосида ўз ечимини топган. Тадқиқот ишларини амалга оширишда Тупроқшунослик ва агрокимё ИТИ, Ўзбекистон Миллий университети, Микробиология институти фонди материаллари ва илмий адабиёт маълумотларидан фойдаланилган ва умумлаштирилган. Тадқиқотлар давомида ўрганилаётган ҳудуд бўйича тупроқ кесмалари қўйилган ва таянч кесмаларида уларнинг тузилиши, агрокимёвий, умумий физик, микробиологик хоссалари ва ферментатив фаоллигини ўрганиш учун генетик қатламлар бўйича намуналар олинган.

Тупроқ тавсифларини ўрганиш ишлари Тупроқшунослик ва агрокимё ИТИ Аналитик марказида ва ЎзФА Микробиология институтида қабул қилинган услублар асосида тупроқларнинг хоссалари ўрганилаган.

Диссертациянинг «Тадқиқот объектларининг тупроқ–мелиоратив шароитлари» деб номланган учинчи бобида тадқиқот амалга оширилган ҳудуд тупроқларининг мелиоратив шароитлари, морфологик кўрсаткичлари, “гипсли тупроқлар” тушунчаси ва уларни баҳолаш мезонлари, тупроқларнинг шўрланиши, агрокимёвий, умумий физик хоссалари ёритиб берилган.

Морфологик кўрсаткичларига кўра ҳудуд тупроқлари қўйидаги асосий морфологик белгиларининг мавжудлиги билан ажралиб туради: Гумус қатламининг нисбатан қисқалиги, шунингдек, кўриқ тупроқларининг гипс миқдори ва шўрланиш даражасига кўра тупроқ кесимида чим қатламининг мавжудлиги, бутун тупроқ профилида CO_2 карбонатларнинг яхши ифодаланганлиги, микроагрегатларнинг аниқ ривожланганлиги билан биргаликда, пастки томон тупроқ зичлашганлиги кузатилади.

Тупроқларнинг шўрланиш типи ва даражасини аниқлашда унинг таркибидаги осон эрувчан тузларнинг миқдорини ҳисобга олинди. Тупроқ кесими бўйича тузларнинг миқдори ва тақсимланиши асосида тупроқлар қўйидаги ҳолатда ажратилди.

Ўрганилган ҳудудда тарқалган тупроқлар кесими бўйлаб: шўрланмаган, кучсиз, ўрта, кучли шўрланган ва шўрхоқлардир.

Тупроқлар таркибида хлор миқдори сезиларсиз қийматга эга бўлиб, 0,003–0,056% ни ташкил қилади, кучли даражада шўрланган горизонтларда унинг миқдори 0,203–0,262% гача етади. Кўпгина ҳолатларда шўрланиш типи сульфатли бўлиб, баъзан хлоридли–сульфатли типдаги шўрланиш ҳам аниқланди. Тупроқлар таркибидаги гипс $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ асосида қайта ҳисоблаш бўйича, SO_4 гипс миқдори 10–17 дан 37–41% гача ораликда

тебраниб туриши аниқланган. Олинган тупроқлар намуналари бўйича амалга оширилган ҳисоблашларда тупроқнинг устки 0-1метрлик қатламида қуруқ қолдиқ, Cl , SO_4 бўйича тузлар захиралари жуда кенг диапазонда тебраниб, ёнбағирларда 15,2 т/га дан, пастки қисмларда 271,0–337,6 т/га гача ортиб бориши аниқланди ва бунда, мос равишда хлорнинг улуши – 0,44–22,8, сульфатлар улуши – 6,6–177,6 т/га га тенглиги аниқланди

Ўрганилаётган тупроқларнинг механик таркибида турли хил ўлчамдаги заррачаларнинг миқдори кенг ораликда тебраниб туради: жумладан – йирик ўлчамли қум ($>0,25$ мм) 1,6 дан 3,0% гача; майда қум (0,1–0,05 мм) 4,1 дан 19,4% гача; йирик чанг (0,05–0,01мм) 12,3 дан 33,7% гача; ўртача чанг (0,01–0,005 мм) 9,8 дан 46,5% гача; майда чанг (0,005–0,001 мм) 20,8 дан 52,5%гача учраши аниқланди. Ушбу кўринишдаги хилма-хиллик тавсифга эга бўлиш ҳолати ил заррачалари ($<0,001$ мм) учун ҳам хос хусусият ҳисобланади ва унинг миқдори 1,3 дан 18,5 %гача ораликни ташкил қилади. Физик лойнинг ($<0,01$ мм) миқдори тавсифланаётган тупроқлар таркибида 53,6 дан 81,6%гача ораликда тебраниб туради. Ўтлоқи –бўз тупроқлар (17, 18–кесмалар) механик таркибига кўра, асосан ўрта қумоқлардан ташкил топган бўлиб оғир– ва енгил қумоқлар ҳам учрайди, литологик кесим кескин қаватланувчи тавсифга эга. Ўтлоқи –бўз тупроқларнинг механик таркибида турли хил ўлчамдаги заррачаларнинг миқдори кенг ораликда тебраниб: жумладан – йирик қум ($>0,25$ мм) 0,4 дан 8,4% гача; ўртача қум (0,25–0,1мм) 0,1 дан 2,1% гача; майда қум (0,1–0,05мм) 9,2 дан 25,7% гача; йирик чанг (0,05–0,01мм) 43 дан 62,0% гача; ўртача чанг (0,01–0,005мм) 7,3 дан 10,5% гача; майда чанг (0,005–0,001мм) 5,6 дан 13,2% гачани ташкил қилади. Ушбу кўринишдаги хилма–хиллик ил заррачалари ($<0,001$) учун ҳам хос хусусият ҳисобланади ва унинг миқдори 9,2 дан 19,5% гача ораликда тебраниб туради. Физик лойнинг ($<0,01$ мм) миқдори тавсифланаётган тупроқлар таркибида 22,4–37,4 % ораликда ўзгариб туради.

Тупроқларининг умумий физик хоссалари кўрсаткичларини ўрганиш натижалари бўйича, ҳажмий масса қийматининг пастлиги, солиштирма оғирликнинг бирмунча даражада юқорилиги, мос равишда ғоваклик қийматининг юқори бўлиши, механик таркибига кўра, бир жинсли тавсифга эгаллигини ифодалаб беради. Қаватланувчи тавсифга эга бўлган пролювиал қатламларда шаклланган тупроқларида ҳажмий масса қийматининг нисбатан юқори бўлиши таркибида гипс миқдори максимал даражада бўлган тупроқ горизонтлари таркибида қайд қилинади.

Ўрганилган тупроқлар қатламларини таркиби гипс миқдори Е. И. Панкованинг классификациясига асосланган ҳолда, қуйидаги 4 та тоифага (категория) бўлиб чиқилган:

- *Гипс миқдори кам тупроқлар* (таркибида гипс миқдори – 2–10% ни ташкил қилади) – жумладан, кўриқ тупроқлар (5, 6 кесма), шунингдек бу

тупроқларнинг ҳайдалма горизонти таркибида гипс миқдори 2,37–9,1% ни ташкил қилади.



- *Гипс миқдори ўртача тупроқлар (10–20%)* – жумладан, кўриқ тупроқлар (1, 2, 12 кесма), суғориладиган тупроқлар (13,14–кесмалар), бу тупроқларнинг устки қатламларидаги таркибида гипс миқдори 11,47–19,05% га тенг.


- *Гипс миқдори кўп тупроқлар (20–40%)* – жумладан, кўриқ тупроқлар (3,4,8,9 кесмалар) – бу тупроқларнинг ҳайдалма горизонти таркибида гипс миқдори 26,04-37,62 % ни ташкил қилади.

- *Гипс миқдори жуда кўп тупроқлар (>40)* – жумладан, бу тупроқларга тадқиқот амалга оширилган ҳудудда тарқалган бўз–ўтлоқи тупроқларни киритиш мумкин ва бу тупроқлар таркибида гипс миқдори максимал даражада 41,31-43,74% ни ташкил қилади.

Қайд қилиш керакки, ўрганилган айрим суғориладиган тупроқ типларининг (15, 16, 17, 18–кесмалар) юқориги горизонтларида гипс миқдори 2% дан ошмайди.

Диссертациянинг «**Тупроқ биологик фаоллигини белгиловчи кўрсаткичлар**» деб номланган тўртинчи бобида ўрганилган ҳудуд тупроқлари микроорганизмларининг турли физиологик гуруҳларининг гипс миқдorigа кўра ва фасллар бўйича ўзгариши аниқланган. Тупроқлардаги микроорганизмлар миқдорини энг катта гуруҳини аммонификаторлар ташкил этди ва улар сони тупроқнинг устки қатламларида гумус ва озика моддалар миқдorigа кўра ўзгариб боради. Тупроқларидаги сони жиҳатдан актиномицетлар ва замбуруғлар гуруҳлар миқдори деградация жараёнига боғлиқ ҳолда камайиб боради. Ўрганилган тупроқлар барча типларида микроорганизмлар сон миқдори мавсумий динамикасининг максимал қиймати баҳор фаслида кузатилиши, ёз фаслида пасайиши ва куз фаслида маълум даражада ортиши кузатилган. Ўрганилган тупроқларнинг таркиби гипс миқдори, шўрланиш даражаси ҳамда гумус ва озика элементлари миқдори бўйича боғлиқ равишда, биологик фаоллик даражаси ҳам ўзгариши аниқланган.







1-расм. Жиззах чўли тупроқларида биологик фаолликнинг мавсумий динамикаси

Барча ўрганилган тупроқ типларида микроорганизмлар нисбатан кўп миқдорда тупроқларнинг юқориги горизонтларида аниқланган, пастки горизонтлар қатлами томон уларнинг сон миқдори кескин тарзда камайиб борган (1-расм).

Ўрганилган ферментларнинг фаоллиги тупроқнинг барча типларида юза қатламларида нисбатан юқори бўлиши пастга томон камайиб бориши аниқланган. Жиззах чўли тупроқларининг ферментатив фаоллигининг мавсумий динамикасини ўрганиш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра, гипсли тупроқларда гидротермик шароитлар ҳамда амалга ошувчи биокимёвий жараёнларда муҳим аҳамиятга эга. Ферментларнинг нисбатан юқори даражада фаоллиги тупроқнинг юқориги гумусли ҳамда гипслашмаган тупроқлар горизонтида қайд қилинган. Баҳор фасли давомида тупроқ қатламида куз фаслига нисбатан солиштирилганда ферментлар фаоллиги юқори бўлиши аниқланган (2-расм).






2–расм. Ўрганилган ҳудуд тупроқларида пероксидаза ва полифенолоксидаза фаоллиги фасллар бўйича динамикаси

Қурғоқчил иқлим шароитларида, яъни атмосфера ёғинларининг миқдори кам бўлган шароитда, ёз фасли давомида ҳаво ва тупроқ ҳароратининг юқори бўлиши таъсири остида ферментлар фаоллигининг мавсумий динамикаси ўзгаришлари бошқача йўналишда бўлиши қайд қилинган.


Бу жараёнлар ўзаро боғлиқликка эга бўлиб, баҳор фасли давомида энг юқори даражада ифодаланиши ва ёз фаслида сусайиши, кўз фаслида сезиларли даражада ортиши аниқланган, бироқ максимал даражада айнан баҳор фаслида кузатилган.

Ўрганилган тупроқлар қатламларида тупроқнинг чуқур қатламлари томон йўналишда нафас олиш жадаллигининг қиймати камайиб бориши кузатилган. Олинган натижалар асосида, айтиш мумкинки, тупроқларда нафас олиш жадаллиги тупроқ хосил бўлиши жараёнларига ва тупроқнинг хоссаларига боғлиқ ҳисобланади (3-расм).




3-расм. Тупроқнинг нафас олишининг фасллар бўйича динамикаси

Микробиологик таҳлиллار натижаларига кўра, ўрганилган тупроқларда гипс миқдори ҳамда шўрланиш даражаси тупроқларнинг микробиологик фаоллигига таъсир кўрсатади.



Расм-4. Гипс миқдори бўйича микроорганизм гуруҳларининг тарқалиши (1-гипс миқдори 2% кам, 2-гипс миқдори кам, 3-гипс миқдори ўртача, 4-гипс миқдори кўп, 5-гипс миқдори жуда кўп)



Расм-5. Гипс миқдори бўйича тупроқларнинг нафас олиш ва ферментатив фаоллиги (1-гипс миқдори 2% кам, 2-гипс миқдори кам, 3-гипс миқдори ўртача, 4-гипс миқдори кўп, 5-гипс миқдори жуда кўп)

Гипс миқдори кучсиз, шўрланмаган, бўз тупроқларда гипс миқдори ўртача– ва кучли турли даражада шўрланишга эга бўлган ўтлоқи тупроқлар, бўз–ўтлоқи ва ўтлоқи–шўрхоқ тупроқларга нисбатан солиштирилганда микроорганизмларнинг фаоллиги юқори бўлиши аниқланди. Тадқиқ этилган тупроқларнинг биологик ва ферментатив фаоллиги гипс миқдори бўйича камайиб боради, энг юқори кўрсаткич гипс миқдори 2% дан паст бўлган тупроқларда кузатилди. Гипс миқдорининг ортиб бориши яъни кам, ўртача, кўп ва жуда кўп тупроқларда микробиологик ва ферментатив фаоллиги сустлашган (4-5-расм).

Гипсли тупроқларда биологик фаоллик (БФ) баҳоланди, мажмуавий-солиштира таҳлилларни амалга ошириш ва тупроқнинг асосий хоссаларининг, айрим гипс миқдори бўйича тупроқлар нисбий биологик фаоллигига (НБФ) таъсири ўрганилган.

1-жадвал

Жиззах чўли гипсли тупроқларининг биологик фаоллик (БФ) кўрсаткичлари

Каталаза, 5 мин. давомида 1 г тупроқ	Полифено- оксидаза, 10 г тупроққа нисбатан мг/пупрур- галин	Пероксидаза, 10 г тупроққа нисбатан мг/пупрур- галин	Аммонифи- каторлар, КОЕх10 ³	Нитрифи- каторлар, КОЕх10 ³	Целлю- лоза парчалов- чилар, КОЕх10 ³	Актино- мицетлар, КОЕх10 ³	Замбуруғ- лар, КОЕх10 ³
Гипс миқдори 2 % дан кам тупроқлар							
13,2	8,6	7,3	5000	110	110	200	98
Гипс миқдори кам тупроқлар							
10,0	7,5	6,8	1800	30	40	180	82
Гипс миқдори ўртача тупроқлар							
6,3	4,8	5,2	910	16	30	110	62
Гипс миқдори кўп тупроқлар							
4,0	3,4	2,6	760	16	20	80	60
Гипс миқдори жуда кўп тупроқлар							
2,4	1,8	1,2	250	1,5	0,5	43	15

Гипс миқдори бўйича нисбий биологик фаоллик (НБФ) қиймати 80% оралиғида ўзгарди, нисбий биологик фаоллик (НБФ) қийматининг камайиши (100-66-44-31-12), гипс миқдорининг ортиб бориши, гипс миқдорига кўра кам-ўртача-кўп-жуда кўп тупроқларда биологик фаоллик камайиши кузатилди (1-2 жадвал).

Жиззах чўли гипсли тупроқларининг умумий нисбий биологик фаоллиги (НБФ) (максималга нисбатан % ҳисобида)

Каталаза	Поли-фенол-оксидаза	Пероксидаза	Аммонификаторлар	Нитрификаторлар	Целлюлоза парчалов-чилар	Актиномицетлар	Замбуруғлар	НБФ
Гипс миқдори 2 % дан кам тупроқлар								
100	100	100	100	100	100	100	100	100
Гипс миқдори кам тупроқлар 2-10%								
76	87	93	36	27	36	90	84	66
Гипс миқдори ўртача тупроқлар 10-20%								
48	56	71	18	15	27	55	63	44
Гипс миқдори кўп тупроқлар 20-40%								
30	39	35	15	15	18	40	61	31
Гипс миқдори жуда кўп тупроқлар >40%								
18	21	16	5	2	1	21	15	12

Жиззах чўли гипсли кўрик тупроқларининг деградацияга учраганлиги бўйича индикаторлари

Кўрсаткичлар	Деградацияга учрамаган тупроқлар	Кучсиз деградацияга учраган тупроқлар	Ўртача деградацияга учраган тупроқлар	Кучли деградацияга учраган тупроқлар	Жуда кучли деградацияга учраган тупроқлар
Гумус, %	>1,8	2,3	1,6	1,5	1,3
Қуруқ қолдиқ, %	<0,6	0,6-0,9	1,0-1,8	2,0-3,0	>3
Гипс миқдори, % CaSO ₄ *2H ₂ O	>2	2-9	10-19	20-29	30-41
Захарли тузлар, %	>1,33	1,182	1,936	1,592	3,661
Сизот сувларининг минерализацияси, г/л	2,4	8,4	12,6	16,4	25,1
Шўрланиш даражаси бўйича	Шўрланмаган	Кучсиз	Ўртача	Кучли	Шўрхок
Нисбий БФ	100	82	62	60	12
Гипс миқдори бўйича	Гипс миқдори 2% дан кам	Гипс миқдори кам тупроқлар	Гипс миқдори ўртача тупроқлар	Гипс миқдори кўп тупроқлар	Гипс миқдори жуда кўп тупроқлар

Турли хил физик-кимёвий, микробиологик ва биокимёвий хоссаларга эга бўлган, шунингдек тупроқ кесими бир хилда тузилишга эга бўлмаган, гипсли тупроқларнинг БФ қийматини мажмуавий равишда ўрганиш, уларнинг экологик-генетик хоссалари шунингдек, табиий-экологик омилларнинг тупроқлар унумдорлигига таъсири даражасига ойдинлик киритиши мумкин. Олинган натижалар асосида гипсли тупроқлари учун деградация индикатор меъзонларилари тавсия этилди (3-жадвал).

Амалга оширилган мажмуавий тадқиқотлар тупроқларнинг умумий биологик фаоллиги нафақат тупроқнинг алоҳида хоссаларига боғлиқ бўлиши, балки уни ўраб турган тизимлар ва жараёнлар билан ўзаро алоқадорликда ва ўзаро боғлиқликда бўлиши қайд қилинди.

Тупроқ хоссалари ўртасидаги корреляцион боғланишлари гипсли тупроқларда ўрганилганда гипс миқдorigа микроорганизмлар ва ферментатив фаолликнинг бевосита корреляцион боғлиқлиги қайд қилинган ($r=0,70-0,90$), бу ҳолат гипсли тупроқнинг биологик хоссаларига боғлиқлигини ҳамда тупроқ унумдорлиги ва деградация жараёнларини акс эттиради. Шундай қилиб, барча ўрганилган тупроқлар ўзининг алоҳида боғлиқлик тизимига эгаллиги билан характерланади. Натижада худудда тарқалган тупроқларнинг баъзи умумий қонуниятларни аниқлаш учун имконият яратади.

ХУЛОСАЛАР

1. Ўрганилган тупроқларнинг морфологик тузилиши учун тупроқ агрегатлари жойлашишининг бир текислиги, тўқ рангдаги гумусли қатлам, осон эрувчи тузлар ва гипснинг йўқлиги, карбонат ажралмаларининг моғор кўриниши характерлидир. Бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи-бўз тупроқларида сизот сувлари сатҳининг юзасига 260 смгача чуқурликда бўлиши, гипс ва осон эрувчи тузлар миқдори сезиларли даражада эканлиги кузатилади. Пастки қатламлар ўта кучли даражада намланган, ўтлоқи тупроқларда сизот сувининг сатҳи 180 см ни ташкил қилади. Тупроқлар лёссимон кумоқлар, серқатлам пролювиал ётқизикларида (кумлоқ, енгил, ўрта. оғир кумоқ, кумларда) шаклланган.

2. Ўрганилган тупроқлар механик таркибида йирик чанг ва майда кум фракциялари миқдори етакчи ўринни эгаллайди, асосан ўрта, оғир ва енгил кумоқлардан иборат, баъзан сочилма кумгача енгиллашиши, физик хоссаларининг, асосан тупроқларни механик таркибига, органик моддалар миқдorigа боғлиқ. Барча ўрганилган тупроқларда солиштирма ва ҳажм оғирлигининг оптимал кўрсаткичлари, юқори гумусли ҳамда ўрта механик таркибли қатламларга тўғри келган.

3. Тупроқларнинг кимёвий таркиби ва сизот сувларининг таҳлили шуни кўрсатдики, тузларнинг профил бўйлаб тақсимланиши ва тўпланиши умумий қонуниятларга бўйсунди, уларнинг минерализацияси кенг ораликда ўзгариб туради. Шўрланиш даражаси сизот сувларида кучсиз

минераллашишдан намоқобгача, тупроқларда кучсиз шўрланишдан шўрҳокларгача бўлган ораликда кузатиди.

4. Тупроқларнинг устки 0-200 смли қатлами асосан ўртача ва юқори даражада гипсли. Юқори миқдорда гипс ушлаган қатлам, асосан кўриқ тупроқлар профилининг устки 1м лик қисмига (15-40%) тўғри келади ва улар гипс миқдори кўп ва ўртача тупроқлар гуруҳига киритилади. Суғориладиган тупроқларда гипс миқдорининг нисбатан юқори эмаслиги кузатилди.

5. Ўрганилган кўриқ тупроқларнинг устки чимли қатлами гумусга бой, лекин азот миқдорининг камлиги билан характерланади. Тупроқларда гипс миқдорининг юқорилиги, шўрланганлиги ва узок муддат ўта юқори даражада намланиши ҳисобланади. Шунингдек, ушбу тупроқлар учун фосфор ва калийнинг ҳаракатчан шакллари билан кам таъминланган.

6. Ўрганилган микроорганизмлар гуруҳлари ичида аммонификаторларнинг устунлиги кузатилди, сон миқдори бўйича иккинчи ўринни актиномицетлар ва замбуруғлар, кейинги ўринни азот тўпловчи ва денитрификацияловчи бактериялар ва целлюлоза парчаловчи микроорганизмлар ташкил этди. Ушбу тупроқларда мой кислотали ва нитрификацияловчи бактерияларнинг кам миқдорда эканлиги қайд этилди. Микроорганизмлар миқдорининг йил мавсумлари, тупроқ типчалари ва қатлам чуқурлиги бўйича ўзгаришини тупроқда намликнинг етарли эмаслиги ҳамда органик моддаларнинг профил бўйлаб кам тўпланиши билан изоҳлаш мумкин.

7. Ўрганилган тупроқларда микроорганизмлар физиологик гуруҳларининг миқдорига, ферментлар фаоллигига ва CO_2 газининг ажралиб чиқишига, тупроқларни гипс миқдори, шўрланганлик даражаларининг таъсири турличалиги аниқланди. Гипс миқдори бўйича гипслашмаган-кам-ўртача-кўп-жуда кўп тупроқлар йўналишида биологик фаолликнинг камайиши кузатилди.

8. Тупроқдаги гипс миқдори бўйича нисбий биологик фаоллик (НБФ) қийматининг 80% оралиғида ўзгариши, нисбий биологик фаоллик (НБФ) қийматининг камайиши (100-66-44-31-12), гипс миқдорининг ортиб бориши, гипс миқдорининг кўра гипс миқдори 2% дан кам-кам-ўртача-кўп-жуда кўп йўналиш бўйича тупроқларда биологик фаолликнинг камайиши кузатилди. Тупроқ таркибидаги микроорганизмлар сони, ферментлар фаоллиги, гумус ва озика элементлари миқдори ($r=0,70-0,90$) корреляцион боғлиқликдан гипс миқдорини аниқлашда ва бошқаришда тест сифатида фойдаланиш имконини беради.

9. Гипсли, деградацияга учраган тупроқлар индикатор мезонлари тупроқларнинг хосса-хусусиятларини инобатга олган ҳолда, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш, тупроқлардан оқилона фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда илмий асос бўлиб хизмат қилади.

10. Гипс миқдори бўйича олинган маълумотлар гипс миқдори, гипсли қатламлар қалинлигига кўра қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш,

экинлар хосилдорлигини белгилаш ва ерларни ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ажратишда илмий асос бўлиб хизмат қилади.

11. Шўрланган ва гипсли тупроқларнинг кимёси, физикаси, биологиясини ўрганиш бўйича олинган материаллардан олий ўқув юртларида тупроқшунос–агрокимёгар мутахассисларини тайёрлашда тупроқшунослик, мелиоратив тупроқшунослик, тупроқларни муҳофаза қилиш, тупроқлар экологияси, тупроқлар кимёси ва биологияси курслари бўйича маърузалар ўқишда фойдаланиш мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ ПОЧВОВЕДЕНИЯ И АГРОХИМИИ**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

МАХКАМОВА ДИЛАФРУЗ ЮЛДАШЕВНА

**ГИПСОНОСНЫЕ ПОЧВЫ ДЖИЗАКСКОЙ СТЕПИ И ИХ
БИОЛОГИЧЕСКАЯ АКТИВНОСТЬ**

03.00.13-Почвоведение

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.1.Phd/B49.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека (НУУз).

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета по адресу: (<http://www.soil.uz>) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net

Научный руководитель: **Гафурова Лазизахон Акрамовна,**
доктор биологических наук, профессор.

Официальные оппоненты: **Исаков Валижон Юнусович,**
доктор биологических наук, профессор.

Ахмедов Алмон Усманович,
кандидат сельскохозяйственных наук,
старший научный сотрудник

Ведущая организация: **Гулистанский государственный университет**

Защита состоится «__» _____ 2018 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу: 100179, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Камарнисо, 3. Научно-исследовательский институт почвоведения и агрохимии (НИИПА). Тел.:(+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: info@soil.uz)

С данной диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института почвоведения и агрохимии (зарегистрирована за №__). Адрес: 100179, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Камарнисо, 3. Тел.:(+99871) 246-15-38

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр репротокола рассылки №__ от «__» _____ 2018 г.)

Р.К.Кузиев,
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., профессор.

Н.Ю.Абдурахмонов,
Учёный секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, к.б.н., старший научный
сотрудник.

М.М.Ташкузиев,
Председатель научного семинара по присуждению
ученых степеней, д.б.н., профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день гипсированные почвы в мире составляют 66 560 км², из них 5,774 км² в Африке (54,6%), 16 616 км² (25,3%) в Центральной Азии, 230 км² (0,4%) в Европе, 78 км² (0,1%) в Америке¹. Рациональное использование гипсированных почв и защита почвенного покрова, в свою очередь, требует научно-обоснованных действий. Большинство из этих земель, с точки зрения мелиорации, относятся к трудномелиорированным, а именно к категории гипсоносных почв. Гипсированность почвы создают проблему деградации земель и ведет к негодности для использования их в сельском хозяйстве.

В настоящее время в мире ведутся исследования: по выявлению генезиса (происхождения) и определения свойств гипсированных почв, по изучению изменений почвенного покрова при орошении, устранению негативных воздействий на почвы, выявлению факторов, вызывающих гипсированность почв, по разработке технологии снижения воздействия на рост и развитие сельскохозяйственных культур с учетом гипсированности почв².

На сегодняшний день в сельском хозяйстве республики, в частности по вопросу охраны и рационального использования низкоплодородных, трудномелиорируемых почв достигнуты определенные результаты. В частности, за последние годы улучшилось мелиоративное состояние 240 тысяч гектаров земель. В Стратегии действий Республики Узбекистан на 2017-2021 годы «...динамичное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, расширение производства экологически чистой продукции, значительное повышение экспортного потенциала аграрного сектора» определено одним из важных стратегических задач. В этом плане рациональное использование почв, научно-обоснованное использование биологических свойств почв при повышении почвенного плодородия и получения высоких урожаев сельскохозяйственных культур являются одной из актуальных проблем.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистана от 31 мая 2017 года №УП-5065 «О мерах по усилению контроля за охраной и рациональным использованием земель, совершенствованию геодезической и картографической деятельности, упорядочению ведения государственных кадастров» и УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

¹ www.fao.org

² <https://books.google.co.uz>

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии приоритетного направления развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

